

5-10-2019

THE ROLE OF THE AUTHOR IN THE LITERARY TRANSLATION

Rakhimjon Karimov
NamSU dots

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Karimov, Rakhimjon (2019) "THE ROLE OF THE AUTHOR IN THE LITERARY TRANSLATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 113.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/113>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ROLE OF THE AUTHOR IN THE LITERARY TRANSLATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

БАДИЙ ТАРЖИМАДА МУАЛЛИФНИНГ ЎРНИ.

Рахимжон Каримов. НамДУ доц.

Аннотация. Ушбу мақолада Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги шеърларни инглиз таржимонлари Лейден-Эрскин ва Бевериж хоним томонидан қилинган таржималарида мазмун ва шаклга қай даражада эътибор берганликлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: илм, адабиёт ва санъат, шеърый таржима, темир юрак, миллат урф одати.

THE ROLE OF THE AUTHOR IN THE LITERARY TRANSLATION.

Rakhimjon Karimov. NamSU dots

Abstract. Translations of poems in “Baburname” by Babur made by English translators W.Erskine and A.S.Beveridge and compliance of the translations with form and content of the original are considered in the given article.

Key words: knowledge, literature and art, poetic comparison, iron heart, nation’s traditions and customs, poetic translation, masterpiece of the translator.

РОЛЬ АВТОРА В ЛИТЕРАТУРНОМ ПЕРЕВОДЕ.

Рахимжон Каримов НамГУ доц.

Аннотация. В статье рассматриваются переводы стихов в произведении Бабур “Бабур-нам” английскими переводчиками Л.Эрскин и Мадам Бевериж и соответствие этих переводов содержанию и форме оригинала.

Ключевые слова: знание, литература и искусство, поэтическое сравнение, каменное сердце, традиции и обычае нации, поэтический перевод, мастерство переводчика.

Бадий таржима учун тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Таниқли таржимашунос олим Ғ.Саломов таъбири билан айтганда: «Таржима тил биладиган ҳар бир кимса ҳам шуғулланса бўлаверадиган юмуш эмас, балки фан ва санъатдир. Бундай фан ва санъатнинг эса, ўз қонун-қоидалари бор.

Бу таснифда айрим янглишишлар бўлиши мумкин. Хусусан, айрим форсий байтларнинг Бобурга ёки бошқа шоирларга тегишлилиги, шунингдек, айнан фард ёки бирор лирик жанрдаги асарлардан олинган алоҳида байтлар эканлигини аниқлаш имкони бўлмади - Р.К.

Таржимон иш жараёнида аслият муаллифи кўзлаган олий мақсад, юксак ғоя, асарда ифодаланган нафосатни моҳирона англай олиши, асл нусха ва таржима тилининг энг нозик томонларини ажрата билиши, ҳар бир сўз, ибора,

образ замирида ётган мазмунни тўла ўқиб, асарни илмий асосда таҳлил қила билиши, ўз устида тинмай ишлаши керак бўлади».[2] Бошқача айтганда, бадиий асар таржимасига қўл урадиган мутаржим чуқур билим, кенг дунёқарашга эга бўлишидан ташқари, ижодкорлик қобилияти ва тадқиқотчилик лаёқатидан ҳам бобаҳра бўлиши лозим. Чунки бадиий таржима ижодий иш бўлибгина қолмай, илмий тадқиқот жараёнини ҳам ўз ичига олади: мутаржим таржимани бошлашдан аввал асар устида ўзига хос тадқиқот олиб боради - уни ўзи учун кашф этади, талқин қилади, тушуниб, «сингдириб» олади. Бу жараён асар билан танишишдан бошланиб, унинг муаллифи ҳақида маълумот тўплаш, муаллиф яшаган ва асар яратилган давр тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, аслият мансуб бўлган халқнинг тили, урф-одатлари, маданияти, тарихидан тортиб асарнинг жанр хусусиятлари, муаллиф услуби ва бадиий маҳоратини зарур даражада ўрганишгача давом этади. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини немис тилига ўтирган ҳамда шоир ҳақида тадқиқотлар олиб борган Альфред Курелла «Таржима назарияси ва амалиёти» мақоласида хорижий матнни тушунишнинг турли усуллари ҳақида, матн устида ишлаш йўллари тўғрисида ёзиб, русча матн ва йўлма-йўл таржимадан ташқари, таржимонни шеърнинг аслиятидаги жаранги ҳам қизиқтирганлигини қайд этади: «...Мен айрим сифатлар, отлар ва феъллар учун ҳар бир сўзнинг ости ва устига бир нечадан синонимлар ёзиб, «кўп қаватли» йўлма-йўл таржима қилиб беришларини сўрадим. Агар махсус қоғоз мавжуд бўлганида эди, мен шеърнинг қандай жаранглашини ҳам қоғозга тушириб беришларини сўраган бўлардим. Лекин мен бошқа бир усулга мурожаат этдим. Мен таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғуллом ҳузурига бордим. У менинг ўзбекча аслиятга хос мусиқани, оҳангни ҳис этишим учун икки соат мобайнида менга Алишер Навоий шеърларини ўқиб берди. Бу эса менга мусиқавий пардаларни англашимга ёрдам берар эди. Шундан сўнг шоир яшаган даврни ўргандим, ўша даврга хос бўлган расмлар ва миниатюраларни йиғдим, шунингдек, бошқа манбаларга ҳам мурожаат этдим, шу йўл билан аслият руҳига киришга интилдим». Шунинг учун ҳам Ғайбуллоҳ ас-Салом ёзади: «Илм, адабиёт ва санъат аҳлининг меҳнати машаққатларини заррача камситмаган ҳолда, айтиш керакки, мутаржим жудаям ўзига хос лаёқат, иқтидор, истеъдод ва билим соҳиби бўлишдан ташқари, унинг заковатига деярли барча ижод аҳлининг фаолиятига хос; таҳлил, тасвир, бошқаларнинг қиёфасига кириш (тақдид қилмаган ҳолда!), характер яратиш, кайфият туғдириш, танқид қилиш ва ҳатто махсус «ўқий билиш» сифатлари жамулжам. Чунончи, таржимонда ёзувчи ва танқидчи, актёр, рассом, бастакор ва олим меҳнатидан ҳам нимадир бор. Бу шундан иборатки, таржимон лингвист бўлиб лисоний манбани таҳлилдан ўтказди, актёр сингари бировнинг (бу ўринда - муаллифнинг) қиёфасига киради ва айнаи вақтда ўзлигини сақлайди, ўзи ўтираётган нарсага ва айникса, ўз меҳнатига танқидий назар билан қарайди, таржима қилинаётган

аслиятни яхлит ҳолда ҳамда бўлакларга бўлиб бир неча марталаб (керакли жойда овоз чиқариб) ўқийди, «ўлик» матн орасидан муаллифнинг жонли сиймосини ва қалбини қидиради. Хуллас, гап орқасидан қувмайди, балки маъно, куй, оҳанг, бўёқ излайди» [2]. Исаак Зингер эса таржимон синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, психолог, ҳар томонлама билимдон бўлиши керак, деб унга. хос хусусиятларни санаб кўрсатган эди.

Маълум бўладики, таржиманинг савия ва сифати мутаржимнинг истеъдодигагина эмас, билимдонлик даражасига ҳам боғлиқ. Истеъдод ва билимдонлик, таъбир жоиз бўлса, мутаржимнинг икки қаноти. Уларсиз бадиий таржиманинг муваффақияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Муайян адабиёт намунаси бўлмиш асарни бошқа тилда аслидагидай жаранглатиш - унинг бадиий, услубий хусусиятлари, руҳи, оҳангини қайта яратиш учун мутаржим шубҳасиз муайян даражада ижодкор, шоирона қалб эгаси бўлиши, тилни билибгина қолмай, уни ҳис қилиши керак. Лекин асарни, ундаги муайян сўзларни тўғри тушуниш ва талқин қилиш учун у етарли даражада кенг билимга ҳам эга бўлиши талаб қилинади.

Инглиз тилидаги таржималарнинг бадиий жиҳатларини кўздан кечирсак, уларда шоир қўллаган тасвирий воситаларнигина эмас, балки таржимонларга хос услуб қирраларини ҳам кўрамыз. Бу -табиий. Зеро, ҳар қандай яхши таржимада муаллиф услуби билан бирга, мутаржим услуби ҳам акс этади. Ҳақиқий таржима муаллиф ва мутаржим юлдузи бир-бирига тўғри келганида яратилади. Шунинг учун ҳам таржима адабиёти учинчи адабиёт, деб юритилади. Мисол учун, Бобурнинг Фўлод султонга ўз девонини юборгани муносабати билан ёзган қуйидаги қитъаси - таржималарини таҳлил қилиб кўрайлик:

*Ул сарвнинг ҳаримига гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига,
Раҳм айлабон согинмади Бобирни бор умид,
Солгай худой раҳмни Фўлод кўнглига (304).*

Лейден-Эрскин таржимасида бу қитъа қуйидагича ўз ифодасини топган:

*(Persian) - O Zephyr, if thou enter the sanctuary of that cypress,
Remind him of this heart-broken victim of separation-
The object of my love thinks not of Babur; yet I cherish a hope
That God will pour pity into his iron heart -or*

Pulad's heart (Volume 11, p.121).[4]

Мазмуни:

*Оҳ, насим агар сарв бўстонига кирсанг,
Жудоликдан қурбон бўлган дилшикастани эслат унга.
Муҳаббатим нарсаси (маъшуқам) Бобурни ўйламас, аммо
умид қиламан,*

Оллоҳ унинг темир юрагига раҳм-шафқат сочса.

Маълумки, Бобур Самарқандга - Фўлод султонга ўз девонини юборади [6] ва унга бир қитъа илова қилади. Қитъада дўстнинг дўстга муҳаббати, соғинч ҳислари ва бир-биридан йироқлашиш натижасида келиб чиққан айрилиқ алами ўз аксини топган. Бу туйғуларни шоҳ-шоир ўзига хос бадиий бўёқлар орқали ажойиб тарзда ифодалаб берган. Инглиз таржимони В.Эрскин ҳам шеърнинг мана шу асосий ғоясини инглиз ўқувчиларига тўғри етказиб беришга ҳаракат қилади.

Шеърдаги бош қаҳрамон «дилшикаста» - «heart-broken», ёр хабарини етказувчи «сабо» - «O Zephyr» образлари асосий матн билан ҳамоҳанг. Шеърнинг мазмуни ҳам таржимада яхши акс этган. Ундаги яккаю-ягона қусур бу ерда «Фўлод» сўзи икки маънода - киши исми ва металлнинг бир тури маъносида келгани ҳолда, таржимада улардан фақат биттаси - қўчма маъноси ўз ифодасини топган, яъни «темирли юрак» - «iron heart» [4] инглизча сўзига эътибор қаратилганлигидадир. Биргина мана шу хато аниқ бир кишига, дўстга аталган шеърнинг маъшуқа васфидаги ишқий мавзудаги қитъага айланишига сабаб бўлган.

Бевериж хоним таржимасида эса, асосий туркий матндан бир қадар узоқлашиш кўзга ташланади. Аввало, мутаржим муаллиф ғоясини унчалик тўғри бера олмаган. Бунинг устига, Бевериж хоним ҳам Лейден-Эрскин хатосини такрорлайди - Фўлод номини луғавий маънода талқин қилади:

*O breeze! If thou enter that cypress chamber (harim),
Remind her of me, my heart reft by absence;
She yearns not for Babur; he fosters a hope,
That her heart of steel God one day may melt [3]*

Мазмуни:

*Оҳ, насим! Агар Савр бўстонида кирсанг сен,
Маҳбубимга эслат мени - йўқлигидан хастадир юрак.
У Бобур учун қайгурмас, Бобур умидин узмас.
Токи Оллоҳ унинг учун қайгурмас, Бобур умидин узмас.
Токи Оллоҳ унинг (маҳбубасининг) тош багрини эритса бир кун.*

Бу хато русча таржимада ҳам такрорланган. М.Салье мазкур мисрани: «Яратувчи унинг пўлат кўнглига раҳм-шафқат солади», - деб ўтиради:

*О, ветерок, если ты проникнешь в харим этого кипариса,
Принеси ему в сердце воспоминание о том, кто страдает в разлуке.
Не сжалился и не вспомнил он о Бабуре, но есть надежда,
Что закинет господь жалость в его стальное сердце.*

Албатта, муайян бир сўз ёки иборанинг бир неча маънони билдириб келиши ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадики, уни бошқа тилда ҳам айнан аслиятдагидек акс эттиришнинг деярли иложи йўқ. Бундай

вазиятда мутаржимлар бу маънолардан асосийсини бериш йўлидан борадилар. Чунки келтирилган қитъада «Фўлод» сўзи гарчанд икки маънони ифодалаб келган бўлса ҳам, Бобур асосий урғуни унинг «тошқўнгил»лигига қаратган ва барча мутаржимлар шоир ниятини тўғри англаб, ўз таржималарида айнан шўнга эътибор қаратганлар.

Ёки қуйидаги байтда «дар бузар» ибораси икки маънода -«катха кўча» ва «ўтиб кетаётиб» маъноларида келиб, М.Салъе ўз таржимасида унинг фақат кейинги маъносини берган.

*Дар гузар дидам парирўе шудам девонааш,
Чист номи ў, кужо бошад, надонам хонааш (224) [1].*

Мазмуни:

*Гузарда бир пари юзни кўриб, девона бўлдим.
Унинг исми нима, уйи қаерда эканини билмадим.*

Энди бу оҳанграбодай ўзига жалб этувчи жозиб мисраларнинг русча таржимасини ўқинг:

*Проходя, я увидел девушку с лицом пери и стал от нее безумным.
Как ее, имя - не знаю, и где ее дом (192).[5]*

Маълумки, ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос тимсолу ташбеҳлар тазимини мавжуд. Шоир ёки адиб «қайси миллатга мансуб бўлса, ўз асарини ўша миллат урф-одат, расму русуми ва таомил-удумлари асосида яратади. Унда ўз халқига хос сўз ва истилоҳлардан фойдаланади. Таржима жараёнида ўша хос сўзлар ва истилоҳлар баъзан сўзма-сўз таржима қилинса, баъзан транслитерация қилинади ва изоҳланади». Чунончи, «сарв» Шарқ, адабиётида гоҳ маҳбубанинг қадду- қомати, гоҳ ўзини билдириб келади. Рус тилидаги «кипарис» эса «сарв»нинг фақат луғавий маъносини - дарахтни билдиради. Тўғри, «в харам этого кипариса» - «у сарвнинг ҳарамига» иборасидан гап маҳбуба хусусида бораётгани англашилади. Лекин рус адабиётида «кипарис» Шарқ адабиётидаги «сарв» каби маҳбуба рамзи сифатида оммалашиб кетмаган.

Хулоса қилиб айтганда, мутаржим таржима қилаётган асарнинг мазмунини ундаги ҳар бир сўзнинг маъно-моҳиятини яхлит тушуниб етгандагина муваффақиятли таржима яратади. Бундан ташқари, ундан аслиятдаги сўзларнинг миллий адабиётидаги муқобилини топиши талаб этилади. Лейден – Эрскен, Бевериж хоним ва М.Салъе “Бобурнома”даги шеърларни олимона тадқиқ этиб, шоирона таржима қилганликлари учун ҳам аксарият муваффақият қозонганлар.

References

1. Z.M.Bobur . «Boburnoma», Toshkent., «SHark» nashriyoti, 2002.
2. F.Salomov “ Tarjimaning jaxonshumul axamiyati “. Tarjima sang’ati. T. 1978.y.
3. Beveridge A.S. Babur – name. G.M.S. 1905.

4. Leyden J. Erskine W. **Memories of Zehir-ed-in Muhammed Babur Em'error of Hindustan. Edinburg. 1826.**
5. Babur- name. Zapiski Babura. Perevod S.M. Salg'e 1993. 464.s.
6. Ҳасанхожа Нисорий. Muzakkiri axbob (Fors tilidan Ismoil Bekjon tarjimasi). Toshkent, 1993. 290-bet